

МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ БОЛАЛАРИНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ МАЗМУНИ

Холбоева Гулнора Улашовна

Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада мактабга тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб таълимига тайёргарлиги бугунги кунда мактабгача таълимнинг олдида турган долзарб масалалардан бири эканлиги ҳамда болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигининг мазмуни ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: МДҲ, когнитив-интеллектуал, коммуникатив, компонент, норматив-меъёрий ҳужжатлар, Ижтимоийлашув, индивидуал ривожланиш кўрсаткичлари.

Республикамизда мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини ошириш билан бирга сифатли таълим ва ривожланиш учун қулай шарт-шароитларни белгиловчи норматив-меъёрий ҳужжатлар яратилди, шунингдек, болани ҳар томонлама ривожлантириш ва мактаб таълимига тайёрлашнинг замонавий методикаларини яратиш, амалиётга жорий этиш каби устувор вазифалар белгиланди. Шу нуқтаи-назардан, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни мактаб таълимига тайёргарлигини шакллантириш ва баҳолаш мазмуни ва индикаторларини аниқлаштириш, инновацион методологик ёндашувлардан келиб чиқувчи технологик тизимини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Илмий-педагогик адабиётлар таҳлилидан маълумки, мактабга тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб таълимига тайёргарлигини баҳолаш масалалари кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ёритилган бўлиб, МДҲ олимларидан Л. С. Выгоцкий, В. В. Давыдов, Д. Б. Эльконин, Р. Я. Гузман,

В. В. Рубцов, Г. А. Цукерман, Л. А. Венгер, В. В. Холмовская, мамлакатимиз олимларидан Д.Абдурахимова, Х.Нажмиддинова, Т.Латипова, Н.Джамилова, Н.Абдуллаева, Г.Бердиалиева, О.Махмудова, З.Тешабоеваларнинг илмий изланишлари мазкур муаммонинг турли йўналишларида тадқиқ этилган.

Мактабга тайёргарлик муаммосига нисабатан турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи олимлар ва мутахассислар морфологик

ривожланишнинг маълум бир даражасига - биологик етукликка (масалан, сут тишларининг ўзгариши билан аниқланади) эришишни мактаб етуклиги учун етарли мезон деб билишади. Бошқалар ақлий ривожланишни етакчи омил сифатида ажратиб кўрсатишади. Яна бир туркум тадқиқотчилар эса, ақлий ва биринчи навбатда, шахсий ривожланиш даражасини ҳал қилувчи мезон деб ҳисоблайдилар.

Тадқиқотчи А. Анастази мактабга тайёргарлик тушунчасини “мактаб ўқув дастурини оптимал даражада ўзлаштириш учун зарур бўлган кўникма, билим, қобилият, мотивация ва бошқа хулқ-атвор хусусиятларини эгаллаш” деб талқин қилади (Анастази А. Психологическое тестирование.– СПб.: Питер, 2004. - 480).

И. Шванцара фикрига кўра, мактабга етуклик, тайёргарлик боланинг мактаб таълимида қатнашиш имкониятига эга бўлгани, шундай ривожланиш даражасига эришиши саналади. Бунда мактабга тайёргарликнинг таркибий қисмлари сифатида ақлий, ижтимоий ва эмоционал компонентлар ажратиб кўрсатилади.

Л.И.Божович ўзининг тадқиқотларида мактабга тайёрлик ақлий фаолиятнинг маълум даражада ривожланиши, когнитив қизиқишлар, ўз когнитив фаолиятини мустақил тартибга солишга ва ўқувчининг ижтимоий мавқеига ҳамда мотивацион тайёргарликдан иборат, деб изоҳлайди. Бунда тадқиқотчи мактабга тайёргарлик жараёнлари муваффақиятига таъсир қилувчи иккита омилни ажратиб кўрсатади: мактаб ўқув дастуридаги бола ва боланинг мактабга психологик тайёргарлиги ҳамда интеллектуал ва шахсий компонентлар.

А.И.Запорожец, Л.А.Венгер, В.В.Холмовская, Я.Я.Коломинский, Е.Е.Кровцова, Д.Б.Эльконин каби МДҲ олимлари, республикамиз олимларидан Н.Джамилова, Д.бабаева, Ш.Акбарова, Т.Латипова, К.Собирова кабилар мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг мактаб таълимига тайёргарлигини белгиловчи асосий мезонларни: психологик, жисмоний, ҳиссий-иродавий, интеллектуал-когнитив тайёргарлик каби компонентларга ажратган.

Т.Латипованинг фикрига кўра, болаларнинг мактабга тайёргарлигини ривожлантиришда уларнинг психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш мактабгача таълим методикасининг муҳим тамойили ҳисобланади. Ушбу тамойилни амалиётга жорий этишда ҳар бир ёш гуруҳида коллобаратив ҳамкорликни ташкил этиш, тарбияланувчиларни ҳар томонлама тарбиялашда биргаликдаги ҳаракат муҳитини яратиш каби

ёндашувлардан самарали фойдаланиш муҳим методик талаблар саналади.

Бизга маълумки мактабгача таълим ташкилотларининг асосий вазифаси болани ижтимоий муҳитга мослашувчанлигини таъминлаш, уни ўз фаолиятини мустақил ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда муайян соҳалар бўйича таянч компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Шу нуқтаи-назардан, “мактабга тайёргарлик” муайян ёш даврининг ўзига хос ривожланиш даражаси ҳамда кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, ривожланиш соҳалари (жисмоний-физиологик, психологик, ҳиссий, интеллектуал, шахсий, коммуникатив) ва компетенциялар тизимининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодалайдиган тушунчадир. Чунки боладаги компетенциялар тизими уларнинг ижтимоий ҳаркати ва хулқ-атворини бошқаришга ва когнитив-интеллектуал фаоллигини акс эттиришга асос бўлади.

Тадқиқотчилар Е. Кравцова ва Г.Кравцов боланинг ривожланиши, мактаб таълимига тайёргарлиги мезонларини тадқиқ этишда мулоқот-коммуникатив компонентга алоҳида урғу беради. Тадқиқотчилар боланинг мактабга тайёргарлик даражасини аниқлаш имконини берувчи ўзаро муносабатларнинг учта соҳасини ажратиб кўрсатишади, булар: боланинг катталарга, тенгдошларига ва ўзига бўлган муносабатидир. Катталар билан муносабати унинг муайян қоидаларга, ижтимоий талабларга, оилавий анъаналарга риоя қилиши, бўйсунуши билан боғлиқ хулқ-атворида акс этса, тенгдошлар билан муносабатларда вазиятга бошқача кўз билан қараши, ўз ҳатти-ҳаракатлари ва муносабатларида мослашувчан бўлиши, вазиятдан келиб чиқувчи позицияларни эгаллашида намоён бўлади. Боланинг ўзини-ўзи ҳурмат қилиш ва ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қила олиши ва бошқариши унинг мактаб таълимига тайёргарлигининг асосини ташкил этувчи ижтимоий ривожланишини белгилаб беради.

Тадқиқотчи З.Курбаниязова ҳар қандай жамиятда фаолиятнинг асосий функцияларини амалга оширишда мулоқот алоҳида ўрин тутди. Мулоқот деганда, ижтимоий муносабатлар жараёнида маънавий қадриятлар алмашинуви тушунилиб, у ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, шахснинг ҳаёти ва шаклланишига таъсир кўрсатади. Мулоқот муаммоларини ўрганиш унинг шахс шаклланиши, фаолият самарадорлиги, болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталардаги муносабатлар табиатига таъсирининг янги жиҳатларини очиб беради, дея таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф, ижтимоийлашув тушунчасига

тўхталар экан, бу жамият маданиятини ўзлаштириш ва қайта яратиш жараёнида шахснинг ривожланиши ҳамда ўз-ўзини англаши, бошқача қилиб айтганда, ижтимоийлашув инсонни ҳаётга, янги ижтимоий шароитларга мослаштириш жараёни сифатида қаралиши мумкин, дея изоҳлайди.

Ижтимоийлашув бутун умр давом этадиган ва узлуксиз жараёндир, аммо ҳар бир ёш даври ўзига хос хусусиятларга эга. Энг жадал ижтимоийлашув болалик ва ўсмирлик даврида содир бўлади. Ижтимоийлашув жараёни бошқарилиши ва ўз-ўзидан амалга ошиши мумкин, унга кўплаб омиллар (мега-, макро-, мезо- ва микро) таъсир қилади, у психологик ва универсал ижтимоий-педагогик механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Инсоннинг ижтимоий мослашуви уч жиҳатдан: индивиднинг ижтимоий муҳит шароитларига фаол кўникиш жараёни сифатида; шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқаларининг бир тури сифатида; субъект ва ижтимоий муҳит ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш натижаси сифатида талқин қилиниши мумкин.

Демак, ижтимоийлашув мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёргарлигини белгиловчи муҳим компонентлардан бири саналиб, бунда боланинг ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, хулқ-атвор меъёр ва қоидаларининг ўзлаштириши асосидаги индивидуал ривожланиш кўрсаткичларини шаклланиши, мустақил шахс сифатида ўз-ўзини англаши, ўзгарувчан фаолиятга тайёргарликка эришиши ижтимоийлашув жараёнларининг муҳим таркибий қисми сифатида белгиланади. Бунда мактабгача таълим ташкилотининг асосий вазифаси ҳар бир болани индивидуал ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, муваффақиятли ривожланиши учун қулай шарт-шароитни яратиш, сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдан иборатдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 – йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
2. Г.У Холбоева - Болалариини мактаб таълимига психологик тайёргарлиги. Новости образования: исследование в XXI веке, 2022
3. M.Rasulova, D.Abdullaeva, S.Oxunjonova, «Bolalarni maktabga psixologik tayyorgarligi» T.,2004 yil.

4. Х. Ахмедова ва бошқа. «Болангиз мактабга тайёрми?» Т., 2000й.
5. Р.Ёдгоров, Н.Ғайбуллайев, Р.Маматқулова “Педагогика”. Тошкент - 2000.
6. Г.У Холбоева, Р.Ж Окбоева Формирование трудового воспитания у детей дошкольного возраста. - Евразийский научный журнал, 2018
- 7.К.Х. Аллабердиева. Ижодий фаолликни шакллантиришга йўналтирилган интегратсиялашган таълим // Новости образования: исследование в XXI веке 1 (5), 419-423
- 8.К. Allaberdieva. The Main Neuropedagogic Possibilities Of Formation At Children Of Senior Preschool Age Of Creative Activity // European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences Vol 7, 1
- 9.Г.М Алтибаева.Особенности организации взаимодействия дошкольного образовательного учреждения семьями воспитанников. Вестник современной науки 19-22
- 10.G Altibaeva .Processes Of Formation intellectual Abilities of Preschool Teachers Through innovative Technologies.Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences 3 18-21
11. Abdumajitova S. A. PRIORITY OF THE PERSON-CENTERED EDUCATIONAL MODEL IN PRESCHOOL EDUCATION //International Academic Research Journal Impact Factor 7.4. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 53-57.
12. Abduqasimovna, A. S. (2022). DIFFERENT VIEWS OF EASTERN THINKERS AND PEDAGOGUES-SCIENTISTS ABOUT THE CHILD AND HIS EDUCATION. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(5), 348-352.
13. Abduqasimovna, A. S. (2022). ATTENTION TO THE EDUCATION OF CHILDREN OF PRESCHOOL AGE AND REFORMS IN THE FIELD OF PRESCHOOL EDUCATION. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(5), 342-347.
14. Абдумажитова, С. А. (2019). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ У ДЕТЕЙ ЧУВСТВА ВРЕМЕНИ КАК ЭСТЕТИЧЕСКОГО ФЕНОМЕНА В ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ И МЕТОДИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (3), 81-83.
15. Abduqasimovna, A. S. (2022). <https://doi.org/10.5281/zenodo.6508403>. Results of National Scientific Research International Journal, 1(1), 265-269.